



**ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ҚУРИЛИШ ЛОЙИХАЛАРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИНГ ПРЕДМЕТИ, СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ**

Шорахимов Хусан Муроджон ўгли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси

2-курс тингловчиси

Калит сўзлар: прокурор назорати, прокурор назорати объекти, прокурор назорати субъекти, прокурор назорати предмети, буюртмачи ташиқлотлар.

Кириш: Давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати умумий прокурор назорати фаолиятининг бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Прокуратура органларининг ўзига хос жиҳати шундаки, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар чекланган ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратуранинг ваколатлари эса универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун соҳасига қўлланилади.

Давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати предмети “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг талабларига мувофиқ белгиланиши керак.



Мазкур қонуннинг 4-моддасига биноан прокуратура органлари фаолиятини амалга оширувчи асосий йўналишлардан бири вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ҳисобланади.

С.А.Емельянов прокурор назоратининг предмети ҳақида тўхталаркан, “прокурор назоратининг предмети – қонун бузилишларини ва уларга сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш, қонун бузилишларини олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни қабул қилишни ташкил қилади”, деб таъкидлаган.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, Б.М.Спиридов, “назорат предмети – прокурор ўз вазифаларини самарали бажариши учун қилиши керак бўлган нарса”, деган фикрни илгари сурган.

Дастлабки бобда қайд этилганидан, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва таълим олиш ҳуқуқларини таъминалш учун давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан таълим ва тиббиёт объектлари қурилиши амалга оширилади.

Бу эса давлат дастурлари асосидаги қурилиш лойиҳалари ижроси устидан прокурор назорати, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этилишини назорат қилиш, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашини аниқлатади.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар



томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда давлат дастурлари асосида қурилиш лойиҳалари ижросида **прокурор назоратининг предмети сифатида давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилидаган қурилиш-таъмирлаш ишларида қонунийликни таъминланганлик даражасини тушуниш мумкин.**

Прокурор назорати соҳасидаги айрим мутахассислар томонидан ижро устидан назорат предмети фақатгина қонунларга тааллуқлиги, қонуности ҳужжатларига татбиқ қилинмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтиб ўтилган.

Лекин, олимлар орасида қонуности ҳужжатлар (ҳуқумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва бошқалар) ижроси прокурор назоратининг предметига кириш-кирмаслиги борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, прокурор назорати низом ва бошқа идоравий низомлардан бирортасини ижро этилишига нисбатан татбиқ этилмайди.

Уларнинг ижросини назорат қилиш бошқа органлар томонидан амалга оширилиши керак, прокуратура томонидан эмас, деган фикрлар мавжуд.

Ушбу фикрларни инкор этмаган ҳолда, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар”, деган нормадаги “қонунларнинг” деган сўз фақатгина қонун кўринишидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан эмас, балки кенг маънода қонунчилик ҳужжатлари деб тушунилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Чунки, давлат бошқарувида вужудга келадиган барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда муносабатлар ҳам қонун кўринишидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаганлиги боис, прокурорлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан ҳам назорат олиб борилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги тармоқларда назорат фаолиятини ташкил этишга қаратилган



соҳавий буйруқларида ҳам “қонунчилик ижроси устидан назорат” тушунчаси кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

Прокурор назоратининг субъекти – давлат дастурлари асосида қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширувчи, тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахс, яъни прокурор ҳисобланади.

Бу қонун ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, маълум бир минтақада ўзига юклатилган назорат ва бошқа ваколатларни амалга оширувчи прокуратура органининг мансабдор шахси ҳисобланади.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида прокуратура органларининг тизими белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;

туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;

вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;

туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, туман ва шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда фаолият олиб боровчи прокурорлар ва прокуратура ходимларининг ваколатлари минтақавий хусусиятга эга бўлиб, маълум махмурий-ҳудудий чегаралар билан белгиланади.

Қонунда белгиланган ушбу талаб давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳалари доирасида ташкил этиладиган прокурор назорати фаолиятига ҳам тааллуқли бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги 24м-сон қарорига асосан прокуратура органлари тузилмасига қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти билан шуғулланишга масъул бўлган янги штат бирликлари киритилган.

Ушбу штат бирликлари доирасида Бош прокуратурада Қурилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида қурилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари ҳамда туман-шаҳар прокуратураларида прокурор (катта) ёрдамчилари штатлари ташкил этилди.

Мазкур штатлардаги прокуратура ходимлари давлат дастурлари асосида қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилувчи мансабдор шахслар ҳисобланади.

Прокурор назорати объекти – қонунлар ижроси устидан прокурор назорати қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташикилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат бўлади.

О.М.Мадалиев фикрига кўра прокурор назорати объекти прокуратуранинг ваколат доирасига кирувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндиси ҳисобланади.

Демак, прокурор назоратининг объектлари томонидан ҳуқуқий татбиқ қилиш, яъни қонунларга риоя этиш ёки ижро қилиш, шунингдек улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектлари турли хил маъмурий ва хўжалик бошқарув ташкилотлари ҳисобланади.

Ушбу соҳадаги прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам айнан назорат объектлари билан боғлиқ ҳисобланади.



Чунки, бу турдаги муносабатларда барча даражадаги маъмурий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлган ташкилотлар, ва ҳаттоки, нодавлат ҳамда нотижорат ташкилотлар ҳам иштирок этади.

Мисол учун, юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-465-сонли қарори билан тасдиқланган 2023 йилги Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 39 та ташкилот қурилиш лойиҳалари бўйича буюртмачилик вазифасини бажарган.

Ушбу ташкилотлар қаторига Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ ҳузуридаги “Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК, Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги “Умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ каби ташкилотларни киритишимиз мумкин.

Юқоридагиларга келиб чиқиб, прокурор назорати объектларини маъмурий-ҳуқуқий даражаси ва бўйсунув даражасига қараб тоифаларга бўлиш мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий статусига қараб ушбу соҳадаги прокурор назорати объектларини 4 га бўлиш мумкин:

1) ижро ҳокимияти органлари (Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК);

2) ҳукуматдан мустақил идоралар (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг молия-иқтисодиёт бошқармаси, Фанлар академияси “Инком капитал қурилиш” ДУК, Давлат хавфсизлик хизмати);

3) нодавлат ташкилотлари (хусусий лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва таъминотчи корхоналари);

4) нодавлат-нотижорат ташкилотлар (Касаба уюшмалари федерацияси).

Бўйсунув даражасига қараб эса прокурор назорати объектларини 3 га бўлиш мумкин:

1) Республика даражасидаги ташкилотлар (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш” давлат муассасаси,



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Кўприк қурилиш таъмирлаш дирекцияси” ДУК, Сирдарё ҳавзаси сув хўжалиги бошқармаси, Амударё ҳавзаси сув хўжалиги бошқармаси);

2) вилоят ва уларга тенглаштирилган маъмурий ҳудудий birlikлар даражасидаги ташкилотлар (ҳокимликлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари, ҳудудий “Сув қурилиш инвест” давлат муассасалари);

3) туман (шаҳар) даражасидаги ташкилотлар (ободонлаштириш бош бошқармалари, мактабагача ва мактаб таълими бўлимлари).

Соҳадаги прокурор назорати фаолиятининг предмети, объектлари ва субъектларини тўғри ажратиб олиш назорат самарадорлигини ва қонунийликни таъминлашга таъсир қилади.

Шу билан бирга, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, хусусан давлат дастурларига нисбатан қўйилаётган талаблар ва қурилиш лойиҳаларининг хилма-хиллиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қурилиш лойиҳаларининг буюртмачилари қаторига янги идораларни қўшиши, мавжудларини ўзгартириши ва буюртмачилар қаторидан чиқариши ҳам мумкин.

Шу боис, прокурор назорати объектлари рўйхатини тугал деб қабул қилиб бўлмайди.

Хулоса

Давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳалари ижроси юзасидан самарали ва фойдали прокурор назоратини ташкил этиш лойиҳалар ижросини муддатида ва сифатли бажарилиши мамлакатни иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан бўлган инфратузилма ва муҳандислик-коммуникация жиҳатидан ривожланишни, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга қартилган объектлар барпо этилишини таъминлайди.

Мақолада қайд этилганидек, давлат дастурлари ижросида иштирок этувчи объектлар бошқарув ва ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан турли шаклларга эга. Бу прокурор назоратини олиб боришда ва назорат тадбирлари ташкил этишда тўғри ёндашув ва воситаларни танлаб олишни талаб этади.



Шу боис, прокурор назоратининг предмети, субъектлари ва объектларини тўғри аниқлаб олиш прокурор назоратидан кутилган мақсад – қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465-сон қарори.
4. О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик (Умумий қисм). Т.: “Илм Зиё”, 2012, 42-бет.
5. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. 48-бет.
6. Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кн. «Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР». М. 1976. – С. 96.
7. Спиридонов Б.М. Прокурорский надзор за исполнением законности в исправительно-трудовых учреждениях. М. 1978. – С. 127.
8. Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – С. 168.
9. Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону «О прокуратуре Российской Федерации», под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.
10. Мадалиев О.М. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – 398 б.